

## ХУФЪЯЛАРДАН ҚОЗОҚЛИҚДА

**Ёрматов Исомиддин Турғунович,**

филология фанлари доктори, Ангрен университети  
“Тил ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси профессори.

**Эшбоева Феруза Холмуратовна**

филология фанлари номзоди, Ангрен университети  
“Тил ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси муdiri

***Annotations:** In this scientific article, the author traces the arrival of Babur to the Tashkent oasis in 1501 and his poetry in this area. For the first time, the historical and hermeneutic foundations of some rubais of Babur were studied.*

***Keywords:** Militari confrontation, confederate state, lyrical experiences, Piskent region, Kandirlic pass, Kurama ridge, Chatcal ridge, Shahruxiyia cfstle, Fergana valley, passionari supremaci.*

***Аннотация:** В данной статье преслеживается прибытие Захириддина Мухаммеда Бабур в 1501 году в Ташкентский оазис в целях во избежания столкновения с Шейбаниханом на основе описании в «Бабурнаме». Герменевтическим способом изучена творимых Бабуром некоторые рубайи в данном регионе.*

***Ключевые слова:** военное противостояние, конфедеративное государство, меморат, лирические переживания, пассионарное верховенство, Пискентский регион, “Бобурнаме”, Шейбанийхан, Шахрухия, Кандирликский перевал, замок Шахрухия, ферганская долина, Кутлуг Нигарханум, Юнусхан.*

Ҳинд тарихчилари томонидан “Гити-ситони Фирдавс-макони Захир-ад-дин Муҳаммад Бобур Подшоҳи Ғозий Жаноби Олийлари” деб тилга олинадиган буюк ватандошимиз Захириддин Муҳаммад Бобур бор-йўғи 47 йил умр кўрган бўлса-да, Марказий ва Жанубий Осиё халқлари тарихида унутилмайдиган йирик давлат арбоби ва кўмондон, нозиктаъб шоир ва тарихчи, ориятли ва меҳрибон фарзанд, эр ва ота бўлиб яшаб ўтди. Бобурнинг руҳониятида бобокалони Амир Темур ҳамда боболари Мироншоҳ, Султон Муҳаммад Мирзо ва Абусаид Мирзо, шунингдек, 39 ёшида бевақт вафот этган отаси Умар Шайх Мирзодан ўтган пассионарлик шижоати мавжуд эди. Биламизки, унинг 35 йиллик фаолияти кетма-кет ҳарбий тўқнашувлар ва конфедератив давлатни бошқариш, ички ва ташқи сиёсатда мўътадил барқарорликни сақлаш ташвишлари билан боғлиқ. Шунга қарамай, ҳаёти қанчалик хатарда кечмасин, Бобур дилидан икки нарса муқаддас даражада ўрин олганлиги кишини ҳайратга солади. Улардан биринчиси туғилиб ўсган ватанига, иккинчиси эса бадий адабиётга бўлган туганмас меҳрдир. Бу икки тушунча билан боғлиқ туйғулар шоҳ ва шоир кўнглининг асрлар ўтса ҳам хира тортмайдиган ойнасига айланганлиги бор гап. Унинг амалий тасдиғини узокдай қидирмай, Бобурнинг 1501-1503 йилларда Тошкент воҳасида кечган саргардон ҳаёти

саҳифаларининг “Бобурнома”даги меморат лавҳалар ва ғазалларидаги унга ҳамоҳанг лирик кечинмалар қатидан ҳам топмоқ мумкин деб ўйлаймиз.

Даставвал, шоирнинг қуйидаги машхур рубоийси мазмунига эътибор берайлик:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,

Шод этмас эмиш кўнгилни ғурбатда киши.

Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади ҳеч,

Ғурбатда севунмас эмиш, албатта, киши (Бобур. *Ёз фасли, ёр васли.* – Б.38).

Ёд этилмаган (қариндош ва ишонч билдирган мулозимлари томонидан қадрланмаган), жудолик ва хиёнатлар туфайли шод бўлолмай қолган (севинччи унутган) кўнгил эгаси Бобур 1501-йилнинг январ ойида Самарқанд қамалидан омон чиқиб, 200 нафар қариндош ва биродарлари билан Жиззах, Ховос ва Хос орқали Пискент қишлоғига келади. “Бобурнома”да ёзилишича, у пайтда Пискент мавзесининг беги Абдулманнон Мулла Ҳайдар ўғли бўлган. Шайбонийхон Бобурдан бир ҳафта илгари Шоҳруҳия қалъасига (Пискентдан йигирма чақирим шимолий ғарбда – Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган қадимги Банокат қалъаси. Мўғуллар вайронгарчилигидан сўнг Амир Темур уни 1392 йилда қайта тиклаб, ўғли Шоҳруҳнинг номи билан атаган – И.Ё.) келиб ўрнашган эди. Абдулманноннинг Мўмин деган кичик укаси илгари Самарқандда бўлганида Бобур ва унинг яқинларига нисбатан қандайдир сабаб билан дилига тугган ўчини олмоқчи бўлиб, отлиқ чопар орқали Шайбонийхонга хабар беради. Бу хиёнатдан барвақт огоҳ бўлиб, тезда шарқий ҳудудларга силжиган Бобур ёзади: “Пискенттин кўчуб Оҳангарон кентларида уч-тўрт кун таваккуф қилдук. ... Сом-сийрак (ҳозирги Бўка шаҳри – И.Ё.) деган кентга туштук”. (“Бобурнома”. -Б.156). Аммо душман хуфьялари унинг ҳар қадами ҳақидаги хабарни етказиб турадилар. Бобур шериклари билан бирга ҳозирги Тожикистон Республикаси Сўғд вилоятининг Мастчоҳ тумани орқали Ўратепа қалъасига бориб ўрнашади. Бироқ “Шайбоқхон Ўратепанинг гирд ва навоҳисиға келиб, бир пора бузуқчилик қилиб ёнди” (“Бобурнома”. -Б.164). Хўжанд тарафдан Бобур қасдида юрган хиёнаткор Султон Аҳмад Танбал (у Бобур Самарқандда эканлигида кўпоровчилик йўли билан Андижон беклигини қўлга киритган – И.Ё.) аскарлари яқинлашиб келдилар. Бобур изғирин кечада Шайбонийхон ва Аҳмад Танбалга сездирмай, Сирдарё ёқалаб Шоҳруҳияга келади, 1501 йилги Қурбон ҳайитининг номозини шу ерда ўқийди. Юқоридаги рубоий ана шу саросимали кунларда ёзилган.

Бебаҳо мемуар саҳифаларидан маълум бўлишича, шоирнинг “Топмадим” радифли машхур ғазали ҳам Бўка атрофида ёзиб тугатилган. Бобур 1501 йилнинг ноябрь ойида Андижондан Ўратепага бостириб келган Аҳмад Танбал қарши жангга отланган бобоси Юнусхон лашкари сафида боради. Улар Танбални қувиб, ғалаба билан Тошкентга қайтаётганларида “Тонгласиға Сомсийрак (Бўка) навоҳисини чарга солиб овладилар. Келиб Турок чорбоғига тушулди. Ул ғазалким тугаттим, ушбу кун ушбу юртга тугаттим. Ул туганган ғазал будир:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,

Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалким туганди, ушул тартиб била-ўк битилди” (“Бобурнома” -Б.157.).

Бобурнинг “Бобурнома” асарида Тошкент воҳаси ҳақида ёзиб қолдирган таассуротларида кўп тилга олинган (олти марта) масканлардан бири “Кандирлик добони”дир. “Бобурнома” ҳақида ёзилган баъзи илмий манбаларда Қурама тизмасида жойлашган бу довоннинг жойлашув ўрни географик жиҳатдан нотўғри кўрсатилади. Мазкур довоннинг аниқ жуғрофий контури Оҳангарон туманининг “Қорасувёка” МФЙ ҳудудидаги Кандирсойнинг бошланиш қисмидан Тожикистон Республикаси Сўғд вилоятининг Ашт туманига ошиб ўтиладиган жойдадир. У Қурама ёки Чотқол тизмасидан Фарғона водийсига олиб борадиган бошқа довонларга нисбатан текис ва пастроқ бўлганлиги учун кишининг қалин қорли кунларида ҳам пиёда ёки от ва эшакда ошиб ўтиш мумкин. “Бобурнома”нинг 1494 ёки 1495 йил воқеаларига бағишланган бобида шундай ёзилган: “Бир-икки кундан сўнг Кандирлик добони била Аҳси ва Андижон сари азимат қилдим” (“Бобурнома”. -Б.127). Ёки 1498 йил воқеаларига бағишланган бобда: “Хон (Юнусхон – И.Ё.) ҳам черик тортиб, Оҳангарон жилғаси била келиб, Кандирлик добонининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддин бориб, хон додамни кўрдим. Кандирлик добонини ошиб Аҳси тарафига тушулди” (“Бобурнома”. -Б.148).

Бобур Шайбонийхонга бас келадиган лашқарга эга бўлмагани ҳолда нега Тошкент ва Ўратепа оралиғида қарийб уч йил ўзини хатарга солиб саргардон юрди?

У ватанда қолишни, ҳеч бўлмаганида бобоси (онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг отаси) Юнусхон кўмагида бир парча ерга эгалик қилиб, қаноат билан яшашни ният қилган эди. Аммо на душманлар ва на қариндошлар бу ниятни тушунмадилар:

Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен,

Олам ичра аёғим етганича кетгаймен.

Истарам ўзни азиз элга кўрунмасликтин,

Неча ўзумни улус кўзида хор этгаймен.

Халқ юз жавр ила ишлар буюрур, кош элнинг,

Не юзин кўргамену не сўзун эшитгаймен.

Ҳар сори борса бу девона кўнгул, айб этма,

Ўйла девона эмаским, ани беркитгаймен.

Дема Бобурки, нетарсан бош олиб кетмакни,

Тенгрининг хости мундоқ эса мен нетгаймен (Бобур. Ёз фасли, ёр васли. – Б.54).

Дарҳақиқат, кекса Юнусхон неварасига бирорта вилоятни (Ўратепа волийлигини) ваъда қилгани ҳолда ўғиллари Султон Аҳмад ва Султон Маҳмудлар таъсирида қарорини амалга оширмаққа иккиланар, бунинг ортидан Шайбонийхон билан ёвлашиш оқибатидаги ҳарбий тўқнашувдан хавфсирар эди. Йигирма ёшга тўлиб, кўп изтиробларни чеккан Бобур вазиятни англади: “...

Вилоят йўқ, вилоят умидворлиғи йўқ, навкар аксар тарқади. ... Саргардонлиқтин ва навъ бехонумонлиқтин жонға етгим. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши” (“Бобурнома”. -Б.174).

Бобурнинг Афғонистонга кетиши олдидан Тошкент воҳасида қилган ҳайрли ишларидан бири 1502 йилнинг кўкламида Паркентга келиб, Самарқанддан бу ерга ташриф буюрган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий ҳазратлари зиёратларида бўлганлигидир. Унинг бу кароматгўй авлиёга бўлган меҳри ва садоқати Ҳиндистонда яшаган йилларида ҳам сўнмади. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” асарида ёзилишича, “юқори шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг ҳазрат Хожа Аҳрорга иродати бўлган Бобур подшоҳ ҳам бу улуғлар хонадонига нисбатан иззат ва икромни соатма-соат оширар ва бирон дақиқа бу ишни канда қилиб, ғафлатда қолмас эди” (Нисорий. -Б.123.).

Хулоса қилиб айтганда, Бобурнинг Тошкент воҳасидаги шаҳарча ва қишлоқларда кечган икки-уч йиллик ҳаёти тож-тахт вориси сифатидаги бурч билан жонажон ватанга меҳр, иккинчи томондан сафдошлар хиёнати ва куч-қудратга эга бўлган қариндошларнинг поракандалиги туфайли юз берган саргардонлик ўзга элларга “юз қаролик” билан кетиши ҳақидаги қарорга олиб келган. Ва бу таҳликали дамлар мазмуни ижодкор қалбида турли хил туғённи кўзғатиб, ғазал ва рубоийлар шаклида бадий тажассумини топган. Шоирнинг 1503 йилдан бошлаб ёзилган хотира, ғазал ва рубоийларида хокисорона самимият, кузатувчан ростбаёнлик ва халқона мотивлар кучайганлигида Тошкент воҳасида бобо ва тоғалари билан ўтказган ҳамдамлик мусохабаларининг ва бу гўзал маскан табиатининг маълум даражадаги таъсири бордек туюлади, назаримизда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент. “Ўқитувчи”. 2001.-286 б.
2. Бинаи Камал-ад-дин Али. Шайбани-наме. Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков (Извлечения из персидских и тюркских сочинений). Алма-Ата. Наука. 1960.- 574 стр.
3. Бобоёров Ғ. Чоқ тарихидан лавҳалар. Тошкент, “Янги нашр”. 2010. -178 б.
4. Бобобеков Ҳ ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т, 1995.-302 б.
5. Бобур. “Бобурнома”. Тошкент. Ўздавнашр. 1960.- 644 б.
6. Бобур. Ёз фасли, ёр васли. Ғазал ва рубоийлар. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2016.-164 б.
7. Ҳасанхожа Нисорий. “Музақкири аҳбоб”. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. Тошкент. “Халқ мероси”. 1989.-344 б.
8. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т., «Фан», 1982. -142 стр.